



# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 34 (1098)

2016-yil, 19-avgust, juma

## Миллий парламент ривожини — демократик жамият асоси

### ➤ Конференция

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари, жамоат ташкилотлари, илмий доира вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига оид маърузалар тингланди, истиқболдаги вазифалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди. Таъкидланганидек, мустақиллик мамлакатимизда ҳақиқий демократик парламентнинг шаклланишига сиёсий ҳуқуқий замин яратди. Истиқлолнинг илк кулариданок давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли белгилаб олинди. Инсон манфаатлари устуворлиги йўлида қонуни ижодкорлиги билан шуғулланадиган

демократик миллий парламент шаклланди, давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ва таъсири кучайтирилди.

Дастлаб бир палатали парламент ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратишга, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишга ўз хиссасини қўшди. Бу даврда Конституциямиз қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишнинг таъминловчи сайлов тизими ҳуқуқий замин яратилди.



## ДУНЁНИ ЛОЛ ЭТМОҚДА ЎЗБЕК СПОРТИ



### Буюк аждодларнинг муносиб ворислари

Ватанимиз доврўғини дунёга таратмоқда

#### ➤ Хушхабар

Ўртимиз бўйлаб истиқлол шўқуҳи кезиб юрган шу кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тўёна сифатида янграётган ҳар бир хушхабар, янгилик қалбларимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини янада жўш удримокда.

Жумладан, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзи Олимпия ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимизнинг кетма-кет ғалабаларидан фахрланиб турган бир пайтимизда Сингапурда ўтказилган математика фани бўйича халқаро олимпиадада Ўзбекистон фарзандларининг 5 та олтин ва яна бир неча кумуш, бронза медалларини қўлга киритганини эшитиб, очини ҳам она, ҳам педагог ҳамда шу юртининг олдий фуқароси сифатида жудаям қувондим.

Мазкур халқаро олимпиадада дунёнинг турли давлатларидан келган 780 нафар мактаб ўқувчилари орасида ёш математик биландонларимизнинг энг кучлилар сафидан ўрин олиши бежиз эмас, албатта.



Бунга эса, албатта, истиқлолнинг илк кунлариданок ёш авлод қамолотига қаратаётган юксак эътибор, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, уларга муносиб билим бериш, ўқиб-ўрганиши учун зарур шароит, кенг имкониятлар яратиш борасида кўрсатилган ғамхўрлик эвазига эришмоқдамиз.

“Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб этилган ва жиҳозланган замонавий ўқув бинолари, компьютер хоналари, мультимедиа дастурлари ҳамда дарсликлар биз педагоглар учун ўқувчиларга билим беришда яна-

да кенг имконият яратиб, таълим сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида ўқувчиларимиз орасидан фан, санъат ва спортнинг турли йўналишларида кўплаб истиқдорлар кашф этилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиздаги таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаган ҳолда, илм-фани янада ривожлантириш, таълимга инновацион технологияларни ва мультимедиа дастурларни кенг жорий этиш, пировадарида хар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, уларнинг истиқдор ва қобилиятларини рағбатлантиришга қатъий эътибор қаратиб келмоқда.

Шу маънода, биз, партия фаоллари мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда, аҳоли, айниқса, ёшлар билан учрашув ва мулоқотларда юртинимиз доврўғини дунёга танитаётган ёшларимизни ибрат қилиб кўрсатишимиз, ўсиб келаётган авлодда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришимиз, уларни янада юксак мақсадлар сари руҳлантиришимиз зарур.

Хуррам ОТАМУРОВА,  
Мирзо Улуғбек туманидаги  
275-мактаб ўқитувчиси,  
“Адолат” СДП фаоли

## Адвокатура институти фаолиятини ислоҳ этиш

инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади

### ➤ Давра сўхбати

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳамкорлигида “Адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Адвокатлар палатаси мутасаддилари, Адлия вазирлиги вакиллари, адвокатлар, экспертлар ва партия фаоллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Хусусан, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳар бир бўлим ва моддаларида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда манфаатлари олий қадриятлиги, давлат инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда бош ҳимоячи эканлиги алоҳида қаролат-

лаб қўйилди. Ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан бири сифатида адвокатура институтини ислоҳ қилиш ва самарали фаолият юритишини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган даврда адвокатура институтини ривожлантириш, унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қаролатларини таъминлашда тугган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини, одил судловни амалга оширишда томонлар тортишуви принципини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, 1996 йилда мамлакатимиз тарихида илк бор «Адвокатура тўғрисида»ги қонунини қабул қилиниши адвокатура институтини ислоҳ қилишда муҳим кадам бўлди.



### ➤ КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

## МУСТАҚИЛЛИК

БЕКИЁС ИМКОНИАТЛАР ЭШИКЛАРИНИ ОЧИБ БЕРДИ

Холиджон КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон  
Қаҳрамони,  
Олий Мажлис  
Сенати аъзоси



Кўпни кўрган, ҳалол меҳнати, эришган марралари билан эл-юрт ўртасида юксак ҳурматга сазовор, Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтиришга ҳисса қўшган инсонлар билан руҳан, маънан ва фикран тайёргарликсиз сўхбатлашиб бўлмайдим. Ҳатто жиддий ҳозирлик кўрсангиз ҳам, салобат босиб, сўзлар, фикрларда адашиб, чалғиб кетишингиз турган гап.

Ўзбекистон Қаҳрамони, энг олий нишон — “Олтин юдуз” медали, шунингдек, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор, партияимиз фаоли Холиджон Комилов билан сўхбатимиз аввалида ана шундай ҳаяжон оғушида эдик. Аммо минглаб шогирдаларнинг қадри устози, кўплаб илмий ишларга бошқош бўлаётган бу инсондаги самимият, камтарлик, бағрикенглик кишини бироз енгил тортирди. Қаҳраонимиз билан сўхбат қисқа, аммо сермазмун бўлди.



# Миллий парламент ривож — демократик жамият асоси

Давом. Бошланғич 1-бетда

Бутун дунёда “Ўзбек модели” дея эътироф этилган ривожланиш стратегияси асосида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган демократик ислохотлар 2000 йилларга келиб, мамлакатнинг қонун чикарувчи олий органи фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш учун шарт-шароитлар вужудга келди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида мамлакатда икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий замин яратилди.

Икки палатали парламент тизмига ўтилгани мамлакат парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг родини кучайтиришда халққулувчи аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент палаталарининг фаолиятини кучайтиришда муҳим омил бўлди. Унинг асосида Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидидаги фракциялари ваколатларини янада кенгайтирди. Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди. Муҳокама этилаётган ҳеч бир қонун лойиҳаси ёки Қонунчилик палатаси

қарори лойиҳаси сиёсий партия фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилмасдан туриб, қун тартибига киритилмапти.

Конференцияда парламентда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти хусусида сўз юритилиб, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаолиятини кучайтиришда, кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фойдаланиш роли ўйнагани айтиб ўтилди.

Ушбу қонун парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самардорлигини оширишда тугган ўрини, фракциялараро соҳла тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги муҳолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилмоллар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларидан иборат “Демократик кучлар блоки” тузилган ва самарали ишлаб турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда “Адолат” социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва

Сенатнинг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги дастурий маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янгича услубда ташкил этиш ва унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Маърузада белгилаб берилган 8 та устувор йўналиш Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган режаларига асос бўлди, депутатлар томонидан ўз ваколатларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш имкониятини берадиган дастурга айланди.

Ўтган бир ярим йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Қонунчилик палатасининг ҳуқуқини қўллаш амалиёти самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига таъсирини оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш масаласи депутатларнинг диққат марказида бўлди. Ушбу йўналишда кенг қўламли таҳлил ва амалий ишлар амалга оширилди.

Парламент конференциясида сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар. Жумладан, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси А.Шодмонов янги таркибдаги партия фракциясининг ўтган даврда амалга оширган ишлари хусусида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, парламентдаги муҳолифат сифатида “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг, энг аввало, партия электорати манфаатларини илгари сурган ҳолда қонунларни кўриб чиқиш, асосли тақлиф ва мулоҳазаларни билдиришдаги малакаси, фаолияти ва маъсулияти ортиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилда муҳолифат фракция сифатида парламент тажрибасида илк бор “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг муқобил таҳрири ишлаб чиқилди. Фракция аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилиниши, шунингдек, қонуннинг кучга кириши борасидаги саволларга нисбатан ўз нуқсани назари ва тақлифларини киритди. Гарчи мазкур муқобил лойиҳа қонунчилик палатаси депутатларининг ақсарияти томонидан рад этилган бўлса-да, мазкур йўналишдаги қўшма аъзоий қонунни такомиллаштиришда парламент муҳолифатининг тақлифларини ҳам инобатга олиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Қонун ижодкорлиги йўналишида фракция аъзоларидан тузилган ишчи гуруҳи томонидан жами 316 та қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. Бунинг натижасида депутатлар томонидан мамлакатдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган 65 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида тақлифлар киритилди.

Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши қун тартибига қўйилган барча қонун лойиҳаларининг кўриб чиқилишида “Адолат” СДП фракцияси аъзолари фаол иштирок этиб, улар томонидан 400 дан ортиқ тақлиф, 126 марта қонун лойиҳаларига киритилиши керак бўлган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан фракциянинг муносабати билдирилди.

Сўнгги бир ярим йил мобайнида “Адолат” СДП фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган 52 та қонун лойиҳасида маъсул депутат сифатида иш-

тирок этди. 12 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлдилар.

Шу билан бирга, “Адолат” СДП фракцияси қонунларнинг ижро этилиши юзасидан амалга оширилувчи назорат-таҳлил фаолиятига ҳам жиддий ёндашган ҳолда амалда мазкур фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

2015 йил ва 2016 йилнинг биринчи ярмида фракция ўзининг асосий мақсоди сифатида давлат ҳокимияти бошқарув органи ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини парламент назорати асосида таъминлашга ҳаракат қилди.

Хусусан, “Адолат” СДП фракцияси депутатлари ташаббуси билан юборилган парламент сўрови бўйича Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг “Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ ҳўжалиги қорхоналаридан замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида”ги масала юзасидан ахбороти эшитилди.

Партия фракцияси маъсул бўлган Фан, таълим, маданият ва спорт масалалар қўмитасининг ташаббусига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим

вазирининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ҳамда Самарқанд вилоятида “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун талабларининг бажарилиши бўйича ахбороти эшитилди.

Шунингдек, жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидидаги фракцияси томонидан Бош вазир ўринбосари А.Икромовнинг тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасини янада кучайтириш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар иш унумдорлигини оширишга йўналтирилган масалалар ижроси бўйича парламент эшитиш амалга оширилди.

Энг муҳими, ушбу парламент эшитишлари якуни бўйича соҳага доир қонун ҳужжатларининг самарали ижро этилиши бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш, маъсул идораларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Экспертлар иштирокида ўтказилган конференция истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш имконини берди. Анжуман якунида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илнос САХАТОВ,  
“Adolat” мухбири

## Адвокатура институти фаолиятини ислох этиш инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади

Давом. Бошланғич 1-бетда

Мазкур соҳада олиб борилган ислохотлар давом этирилиб, 1998 йилда «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилди. Мазкур қонунга кўра, адвокатлик фаолиятининг принциплари, адвокатнинг ваколатлари, адвокатнинг дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш, адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва ижтимоий ҳимояси, юридик ёрдамни таъминлаш қафолатлари, адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлари каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

**Ақмал БУРХАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириб, адвокатларнинг мустақиллиги қафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишда Президентимизнинг 2008 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим роль ўйнаганини алоҳида қайд этиш зарур. Мазкур фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-



ларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ адвокатликка талабгорлар икки йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида стажировка ўташи шартлиги мустаҳкамланди. Адвокатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш бўйича чоралар, адвокатнинг айбланувчи, судланувчи билан чекловларсиз учрашиш имконияти мустаҳкамланди.

Шунингдек, мазкур қонун билан адвокатлик фаолияти қафолатларини реал таъминлашга қаратилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўққонлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Умуман, мустақиллик йилларида инсоннинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари, энг аввало, асосиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётга аралашиндан жамояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали ҳимоясини таъминлаш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизда адвокатура фуқаролар ва ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий аҳамиятга молик вазифа юқланган махсус ҳуқуқ лаёқатига эга оммавий-ҳуқуқий институти сифатида шаклланди.

Адвокатура институтининг тугдан ислох қилиниши натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилди.

Шу билан бир қаторда, шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда ҳар қандай соҳа каби адвокатура соҳасини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан саналади.

Бу ўринда, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлигида” тамойилини амалиётда янада кенг жорий этиш партияимизнинг энг муҳим дастурий вазифаларидан эканлигиндан келиб чиқиб, айни масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Чунки, Сайловдиди дастури-мизда жамиятнинг шаклланиши ва демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини изчиллик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва айнан адвокатура фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қонунларнинг ташаббускори бўлишимиз ва уларни қўллаб-қувватлашимиз белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Адолат” СДП ва Адвокатлар палатаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, соҳада учраётган ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юза-

қонун ҳужжатларини яна бир бор таҳлил этиш ҳамда уни такомиллаштиришни такозо этмоқда.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексидида белгиланган юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларнинг ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериш шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, кор-

катта экспертиза тайинлаш ҳуқуқини бериш ҳамда адвокат сўровлари бўйича тегишли ҳужжат ва маълумотларни энг қисқа вақт ичида тақдим қилиш тартибин белгилаш орқали адвокатнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, бугунги кунда адвокатлик тузилмалари ва адвокатларга солиқ солиш амалиётини, шунингдек, адвокатлик фаолиятини таъ-

публикасининг “Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунини 12-моддасида адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, амалда ҳозирги вақтда қадар бундай имтиёзлар берилмаган.

Ўйлаймизки, ушбу муаммо-



қонун ҳужжатларини яна бир бор таҳлил этиш ҳамда уни такомиллаштиришни такозо этмоқда.

**Гўзал САЙФИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ёрдамчиси:**

— Дарҳақиқат, адвокатура тизимини ислох этишга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шунга қарамай, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида амалиётда адвокатура институти фаолиятини янада эркинлаштириш, уларга солиқ юқини енгиллаштириш каби айрим масалаларда ечимини қутаётган муаммолар ҳам борки, бу соҳага доир

хоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқини амалга оширишда муаммолар мавжуд. Масалан, ақсарият ҳолларда адвокат сўровига жуда кечиктириб жавоб бериш ҳолатларига дуч келаемиз. Ваҳоланки, шундай ҳолатлар бўладикки, шахсининг тақдир адвокатнинг ўз вақтида ва тўлиқ маълумот тўлаб, тергов ёки судга тақдим этилишига боғлиқ бўлиб қолади.

Шуни инобатга олган ҳолда ҳимоячининг Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгилаб қўйилган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни олиш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш, жумладан, адво-

минлаш учун зарур бўлган ва юридик ёрдам учун адвокатлик тузилмасига келиб тушадиган маблағлардан олинмаган бошқа ҳаражатлар структурасини ўрганиш натижаларидан адвокатлик тузилмаларига солиқ солишнинг амалдаги тизимини ҳам ислох қилиш зарурлиги аён бўлмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Рес-

ларнинг бартараф этилиши фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда адвокатура институти зиммасига юқлатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишида муҳим омил бўлади.

Шунингдек, давра суҳбатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, қонунлар моҳиятини фуқароларга, мансабдор шахслар онгига сингдириб боришда бевосита адвокатура тизимининг иштирокини янада кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Суюндик МАМИРОВ,  
“Adolat” мухбири

## МУСТАҚИЛЛИК

### беқиёс имкониятлар эшикларини очиб берди

Давом. Бошлашиши 1-бетда

— Холиджон Махаммаджонович, мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этиши йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллигига озғунлик билан кўнрақ қолди. Шундай улуғ қўнраққа қандай ўйлар хаёлингиздан ўтапти?

— Хақиқатан ҳам, 25 йил аввал давлатимизда Мустақиллик эълон қилинган, ўтган давр мобайнида истиқлол шарофати билан мустақил тузум даврида топталган миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклашга муваффақ бўлдик, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшикларини очиб берилди. Бугун қай гўшага борсанг, ким билан суҳбатлашсанг, ҳаммамнинг калбида шукроналик, бахтиёрлик ҳисси ҳукмронлик қилаётганига гувоҳ бўласан.

Мамлакатимизнинг кудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, янги ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаган келаятган, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётган, “Ўзбек модели” деган ном билан танилган тараққиёт стратегиямиз бутун дунё ҳамжамияти томонидан юксак қизиқиш билан ўрганилаётган, эртанги кунимизнинг суянчи, таянчи ҳисобланмиш ёшларимиз спорт, санъат, илм-фан чўкиларини эгаллаш борасида улкан муваффақиятларга эришаётган бугунги дорилмон кўнрақда яшаш насиб айлаганидан бахтиёрлик ҳиссини туймасдан бўладими?

Жаҳонда юз бераётган хунрезликлар, қирғинбарот урушлар оқибатида ҳар бир давлатга ҳавф-хатар, таҳдид кучайиб бораётган, давлат ва жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш масаласи долзарблигича қолаётган аниқ замонда жаҳоннинг нуфузли тадқиқот марказларидан бири Legatum Institute таҳлил маркази томонидан эълон қилинган дунёнинг 2014 йилда энг тинч ва фаровон мамлакатлари рейтингиде 150 га яқин давлат орасида Ўзбекистон 57-ўринда қайд этилгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини янада кучайтиради.

Асосийси, Мустақиллик туфайли одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгаргани, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги

воқеаларга дахлдорлик ҳисси кучайганини алоҳида таъкидлашмасдан бўлмайди.

— Президентимиз деярли барча нутқларида ҳар биримизни тинчлик, Мустақилликни қадрлашга чорлаш, баробарида аввал ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага яна қандай юксак марраларни эгаллаш ҳақида ўйлашга ундайди. Айтиш-чи, салкам ярим асрдан буён меҳнат қилиб келаятган тажрибали офтальмолог-шифокор сифатида шахсан ўзингиз офтальмология соҳасида қандай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаяси?

— Аввало шу кунга қадар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлган шифокор сифатида юксак фахр ва қатъий ишонч билан айта оламан, ҳеч бир юртда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар тани сихатлигини асраш масаласига бизнинг мамлакатимиздагидек эътиборни кўрмадим.

Айнан истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг ишончли ва замонавий тизими яратилиб, шошлинчи тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар ташкил этилди. Чекка-чекка худудларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, маълакали мутахассислар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, скрининг ва перинатал марказларининг ташкил этилиши билан олди қишлоқларда истиқомат қилувчи ҳамюртларимизнинг шифокор кўригига узок йўл босиб келиши, вақт ва маблағ сарфлаш муаммоси бартараф этилди.

Офтальмология соҳасига келсак, 2007 йилда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, вилоятларда кўз шифохоналари, қолаверса, хусусий кўз касалликлари клиникаларига асос солиниши Ўзбекистоннинг ўзига хос офтальмология мактаби яратилишига хизмат қилди. Бугунги кунга келиб соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар, таъминланган моддий-техник база ва мутахассислар маълакаси бўйича жаҳоннинг еталган мамлакатлари билан бемал рақобатлаша оламиз. Хусусан, эндиликда кўз микрохирургияси йўналишида катаракта, глаукома, тўр парданни кўчиши ҳамда ковок соҳаси билан боғлиқ жарроҳлик амалиётларини жорий этиш, кўрув аъзоларини таъмирлаштириш, хайвонлардан олинган тўқималарни кўз касалликларини даволашда ишлатиш, янги дори-дармонларни қўллаш бўйича натижалар таҳлили юртиш борасида улкан

муваффақиятлар кўлга киритилмоқда.

Даволашнинг янгидан-янги усуллари жорий этилиши натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамрови, сифати ва теълиги ортди. Мисол учун, ўтган асрнинг 80-йилларида катаракта жарроҳлик амалиёти ўтказилиш жараёнида кўзнинг қисқалган жойига 5-6 та чок турширилди, кейин кўзга сунъий гавхар ўрнатилиши беморнинг кўзига кўра қилинарди. Бу каби мураккаб операциядан сўнг бемор шифохонада хафталаб қолишига тўғри келарди. Хозир эса вазият буткул ўзгарган. Биринчидан, бундай турдаги жарроҳлик амалиёти чоксиз амалга оширилиб, сунъий гавхар кийинчилексиз ўрнатилаётган. Иккинчидан, операциядан кейин бемор эртаси кунлик уйига кетиши мумкин ва кўзойнақ тақшишга эҳтиёж қолмайди. Бунга ўхшаш мисоллар талайгина.

Яна бир муҳим ислоҳот ҳақида тўхталмоқчиман. Хар қандай соҳа ривожига унда фаолият юритаётган кадрлар, мутахассисларнинг билим ва маълака даражаси муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда офтальмолог-шифокорларнинг тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида жорий этилган механизмлар соҳа вакилларининг ўз устида ишлаши, изланиши, замон талабига мос равишда фаолият юритишини таъминлашга имкон бермоқда. Тошкент врачлар маълакасини ошириш институтидаги Офтальмология кафедраси, Республика кўз касалликлари шифохонаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг тажрибали, юксак маҳоратли мутахассислари республикада фаолият юритаётган офтальмологлар ҳар 5 йилда икки ойлик маълака ошириш курсларида билим ва тажрибаларини оширишлари учун шароит яратиб бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, аввалги офтальмология соҳасининг ҳолати билан бугунги кунда соҳадаги ютуқлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Камини доимо шоғирдларим, ёш ҳамкасбларимга бугунги кундаги шароитлар, имкониятларнинг қадрига етишиши, шундай дорилмон кўнрақга глаукома, тўр парданни кўчиши ҳамда ковок соҳаси билан боғлиқ жарроҳлик амалиётларини жорий этиш, кўрув аъзоларини таъмирлаштириш, хайвонлардан олинган тўқималарни кўз касалликларини даволашда ишлатиш, янги дори-дармонларни қўллаш бўйича натижалар таҳлили юртиш борасида улкан

— Энг улуғ айём муносабати билан юртдошларимизга тиллақларингиз.

— Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусоффо, халқимиз софсаломат бўлиб, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Суҳбатдош: Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири

## SEMINAR

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштироки” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.



## Халқ ишончини оқлаш вакилнинг асосий вазифаси

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг 2015 йилда парламент палаталари қўша мажлисидаги маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда партия депутатлик гуруҳларининг иштирокига асосий эътибор қаратилди.

Тадбир давомида маҳаллий вакиллик органларидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳларининг фаолияти танқидий нуқта назардан таҳлил этилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан фикр ва тақлифлар ўртага ташланди.

— Дастурий мақсад ва вазифаларимизни амалга ошириш ҳамда электротар манфаатларини химоя қилишда, энг аввало, депутатлар корпусимизга таъинимиз барчага аён, — деди партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири Улуғбек Расулов. — Айниқса, бу борада халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари зиммасида алоҳида масъулият мавжуд. Чунки улар ҳар бир ҳудуд ҳаёти билан яқиндан таниш, бевосита аҳоли ичиде яшаб туриш-турмушидан, ўйлантираётган масалалардан яхши хабардор.

Бирок ана шу масъулиятни етарлича ҳис эътибор билан депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Буни айрим ҳудудларда депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига электротар манфаатларига доир масалалар кириштиришда суътақликка йўл қўйилаётгани ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан “Адолат” СДП дастурий мақсадлари ҳамда электротар манфаатларидан келиб чиқиб, ижрога ҳокимиятининг тегишли органларига жами 430 га яқин депу-

татлик сўровлари чиқарилган бўлса, партия гуруҳлари ташаббуси билан 5 мартаба мансабдор шахсларнинг ахбороти эшитилди, доимий комиссияларда 11 та масала қўрилган бўлса, сессиялар кун тартибига 3 та масала киритилган. Табиийки, ушбу кўрсаткичлар биз олдимизга қўяётган мақсадлар даражасида эмас.

Албатта, депутатнинг, депутатлик гуруҳининг фаолияти самарали бўлиши, аввало, Конституция ва қонуналаримизда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ-ваколатларини, бурчларини чуқур англаган ҳолда уларни амалда қўллаш олишига боғлиқ.

Семинарда партия ҳудудий кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг партиявий лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорлиги, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштирокни янада таъминлаштириш масалалари атрофича муҳокама этилди.

— Депутат — энг аввало халқ вакили. Ҳаёт ҳар кун бизнинг олдимизга янги вазифалар ва уларни ҳал этиш шартларини қўймоқда. Буни тўғри англаган ҳолда, депутатлик гуруҳимиз ва худудий партия кенгаши ҳамкорлигида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган аниқ иш режасини амалиётга татбиқ этаймиз, — деди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳиба Бобоқова. — Жумладан, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан партиянинг “Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик” лойиҳаси асосида “Мақтаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, умумтаълим мактабларида асосий равишда ортинча маблағлар йиғиш тўғрисида”ги масала атрофича ўрганиш чикилди ва ўтган йили ушбу масала халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди. Айни кунларда ушбу лойиҳа доирасидаги ишлар халқ депутатлари Нуробод, Тайлоқ, Урганч, Булунгур, Қўшработ, Нарпай ва Пастдарғом туман Кенгашларидаги депутатларимиз томонидан ҳам ўрганиб чикилиб, туман Кенгаши сессияларида қўриб чиқилиш юзасидан тақлифлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, партиянинг “Жамоатчилик назорати — қонун усту-

ворлигининг гарови” лойиҳаси доирасида Булунгур туман маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларининг Булунгур туманидаги ижроси тўғрисида”ги масала атрофича ўрганиб чикилди. Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан маъмурият масала жорий йилнинг 30 июль кунини халқ депутатлари Булунгур туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинишига эришилди.

Хозирги вақтда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан “Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисидаги” қонуни талабларининг Жомбой ва Тайлоқ туманларидаги ижроси тўғрисида”ги масала юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, жойларда ўрганиш олиб борилмоқда.

Тадбир иштирокчилари халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг сессияга долзарб масалаларни кириштириш борасидаги амалий тажрибаларини ўргандилар. Семинарда қайд этилганидек, партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида эришилган натижалар билан бир қаторда, хали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Депутатлар ўз сайлов округи манфаати билан бирга партия манфаатларини амалга оширишда фаолият кўрсатишлари бугун долзарб масалага айланиб бормоқда. Депутатлик сўровларининг натижаси юзасидан ҳам депутатлар назоратни бўшаширтмаслиги лозим.

Иштирокчилар барча даражадаги депутатлик гуруҳларимиз учун ўтказиб келинаётган тизимли сиёсий ўқувлар, семинар-тренинглари янада самарали ташкил этиш, намунали фаолият юритаётган депутатларнинг иш тажрибасини оммалантириш, депутатларнинг партия ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш юзасидан амалий тақлифлар билдиришди.

Семинар якунида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чикилди.

Дилором МАТКАРИМОВА, «Adolat» мухбири

## ҚўМИТА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг парламентдаги фракцияси аъзоси Алишер Шодмонов олиб борган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб бораётган туб ислоҳотлар, ишлаб чиқарш инфратузилмасининг кенгайиб бориши, саноат, транспорт, қурилиш, энергетика, туризм ва бошқа соҳаларнинг жадал ривожланиши геодезия хизматлари ва картография маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келди.

— Бугунги тезкор даврда юксак технологияларнинг ҳаёт-

га кириб келиши, бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиб бориши соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориши ва янгилари қабул қилинишини таъкидлаш мумкин, — деди А.Шодмонов кириш сўзида. — Собик иттифоқ даврида геодезия ва картография фаолиятида давлат монополияси ўрнатилган бўлиб, геодезия ва картография ишлари фақатгина давлат корхоналари томонидан бажарилаётган эди. Шу сабабли мазкур соҳа идоравий норматив ҳужжатлар билангина тартибга солиб келинган. Геодезия ва картография соҳасида миллий қонунчилигимизни тако-

## Геодезия ва картографияга оид қонунлар ижроси таҳлил этилди

миллаштириш мақсадида 1997 йил 25 апрелдаги “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида мазкур қонун ва бошқа қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукуматимизнинг қарорлари, шунингдек, бошқа қонуности ҳужжатлар геодезия ва картография фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуннинг ижросига оид ўтказилган ахборот эшитувида қўзғалган мақсад — соҳа мутахассислари, амалиётчилар билан ҳамжихатликда юқоридаги қонуннинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантиришнинг замонавий талабларидан орқада қолаётган

айрим нормаларини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан конструктив тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган иборат. Хусусан, ўрганишлар жараёнида амалиётда фазовий географик ахборотлардан ва навигация тизимларидан инте-рактив хизматлар доирасида фойдаланиш борасидаги нормаларни қонунчиликда белгилаш, қолаверса, соҳадаги ва-зифалар изчиллигини таъминлаш мақсадида топографик харита ва планлар, уларнинг элементларини нашр этиш ва тарқатиш тартиблари қонун нормаларида акс эттирилишига оид зарурат мавжудлиги аниқланди.

Ахборот эшитувида Ўзбекистон Республикаси “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раиси С.Арабовнинг маърузаси тинглади. Нотиқ ўз

маърузасида Ўзбекистон Республикасида умумжаҳон геодезия тармонига кириш имкониятини яратадиган, миллий манфаатлардан келиб чиқадиган янги давлат геодезик йўлдош тармонини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида ургу берди.

— Мамлакатимиз худудларининг муқаммал хариталари ва планларини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларида яратиш, янгиллаб туриш ва нашр қилиш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда, — деди С.Арабов ўз нутқида. — Бу маҳсулотлардан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳалари талабларидан келиб чиқиб, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ердан фойдаланувчилар мониторингини олиб бориш, худудларни харитага тушириш, шаҳарсозлик, муҳофаза, геология қонлари мониторин-

гини амалга оширишда кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқларо аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар, ўқув картография қўланмаларини тузиш ва нашр қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 400 га яқин геодезия ва картография фаолияти субъектлари мавжуд бўлиб, улардан 153 таси лицензия асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидир. Шундан 109 таси хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ҳисобланиб, улар томонидан шаҳарсозлик, темир йўл ва автомобиль йўллари, канал ва турли бошқа объектларни қуриш ишларидаги маҳсул аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари амалга ошириб келинмоқда. Соҳа

мутахассислари қайд этишича, таълим муассасалари учун атласлар ва контур хариталар, Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг умумий географик ва сиёсий-маъмурий хариталари яратилиб, бундан ташқари, республикамизнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлар ва бошқа табиатнинг қизиқарли объектлари тасвирланган туристик карталар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиши йўлга қўйилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида “Ўзбекистон Республикасининг географик атласи” давлат тилида янги тахрирда нашрдан чиқарилиди.

Эшитув тегулилари бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Саодат ЖАББОРОВА, «Adolat» мухбири

# ЙЎЛСОЗЛИК ВА ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАРАЖАСИ

## партия депутатлари назоратида

### ➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА


Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашида "Адолат" СДПнинг депутатлик гуруҳи кўпчилик овозга эга. Бу мазкур ҳудудда ижтимоий-иқтисодий масалаларни партия дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш, вакиллик органида муҳим қарорлар қабул қилиш ва пировардида электорат ишончини оқлашда қўл келмоқда.

Партия депутатлари ҳар сафар сайловчилар билан учрашувлардан сўнг қайд этилган масалаларни чуқур ўрганиш, зарур ҳулосага келиш мақсадида аҳоли истиқомат жойларида, хизмат кўрсатиш муассасаларида тегишли соҳа мутасаддиларини жалб этган ҳолда мониторинг ўтказишди. Масалани электорат фойдасига ҳозиржавоблик билан ҳал этишга, бировла муаммога дахлдор идора-ташқилот раҳбарларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлашга ҳаракат қилишди.

Нурободда йўлсозлик, коммунал, қурилиш ва ободонлаштириш соҳасида ишлар анчагина жонлашиб, аҳоли муносабатлари иккинчи сўрашувлар депутатларнинг маҳаллий бошқарув идоралари билан яқин ҳамкорлиги самарасидир.

Депутат Иброҳим Кенжаев ўз ваколатларида самарали фойдаланиб, сайловчилар ишончини оқлаётган вакилларимиздан. Икки ой муқаддам туманнинг

"Ўртабўз" маҳалласида яшовчи фуқаролар депутатга қишлоқдан туман марказига олиб чиқилган йўлни таъмирлаш масаласида мурожаат қилинган эди. Партиядошимиз ижтимоий муаммони депутатлик гуруҳи билан биргаликда муҳокама этиб, депутатлар бу муаммони туман йўлсозлик идораси имкониятлари доирасида ҳал этиш мумкин, деган қарорга келишди. Депутатлик сўрови натижасида тезда зарур техника, транспорт воситалари ва таъмирловчилар бригадаси ажратилиб, йўлнинг бир неча километридаги ўйдимчуқур жойларга тош-пағал ётқизибли, текисланди. Сув тошқинлари ювиб кетмаслиги учун махсус ариқчалар қазилди. Бетон тўсиқлар билан мустаҳкамланди. Натижада "Ўртабўз"дан туман марказига элтувчи жамоат транспорти қатнови қайта тикланди. Депутатлик гуруҳи томонидан туман йўлсозлик идораси раҳбарининг ҳисоботини эшитиш пайтида ҳудуднинг бош-



қа аҳоли пунктларида ҳам йўлларнинг ҳолатини кайтадан кўриб чиқиш, таъмирлаш зарурлиги қайд этилиб, бу ишларнинг аниқ муддатларда бажарилиши назоратга олинди.

— Гап бирорта ижтимоий муаммони депутат ёрдамида ҳал этилди, деб ҳисоботларда қайд этишда эмас, балки хизмат кўрсатиш идоралари фаолиятида тизимли ишни йўлга қўйишда, раҳбар масъулиятини оширишда, ижро назоратини таъминлашда, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Нодира Ботирова. — Ваколат ва масъулият чуқур хис этилган жойда эса тартиб,

саранжом-саришталлик бўлади.

Худди шундай талаб ва ёндашувнинг исботини халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашидаги депутатларимиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур гуруҳ "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши тавсиясига биноан онлавий поликлиникаларда, қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш масалаларини ҳам чуқур ўрганиш ва ҳал этишни назоратга олган. Ўтказилган мониторинглар натижасига кўра тумандаги аксарият ҚВПларда

олий маълумотли тиббиёт ходимлари етишмаслиги аниқлашиб, даволаш-ташхис ишларида камчиликлар борлиги қайд этилди. Бу ҳақда депутатлар — Манзура Давронова, Гулшан Шерматова, Ибодулло Муродов, Бахриддин Қиличов, Эркин Эсиргадиев, Гавҳар Исаева мониторинг натижаларини баён этиб, ҳар бир қишлоқ врачлик пункти мисолида кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлган ечимларни таклиф этдилар.

— Муаммога ана шундай манфаатдорлик билан қараш ёки уни ҳокимият вакиллик органи муҳокамасига олиб чиқиш депутат фаолияти электоратнинг ҳаётини яхшироқ қилиш билан чамбарчас боғланганини аниқлади, — дейди Манзура Давронова. — Биз фақат ҳозиржавоблик, қатъият ва ишонч билан ишлаш, муаммолар юқини камайтириб бораемиз. Ва сайловчилар келгуси сайловларда кимга овоз бериш ҳақида олдинроқ ҳулоса чиқариб олишди.

Бу гапларга қўшимча қилишнинг зарурати йўқ. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, Нурободда депутатлик ваколати турмуш фаровонлигини таъминлашга, сўз ва иш бирлигини кўрсатишга ҳамда партия нуфузини қадам-бақаддам оширишга хизмат қилмоқда.

**Зоҳир Тўрақулов,**  
"Adolat" мухбири

### ➤ ФАОЛИЯТ

Кейинги йилларда энергия тежайдиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Тежамкор чироқларнинг афзаллиги

Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири — чўғланма чироқлардан энергияни самарали ишлатувчи ёруғлик манбаларига ўтишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари Олтинқўл туманида бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганди.

Туман электр тармоқлари корхонаси ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамжиҳатликда 29520 та истеъмолчилар орасида тушувтириш ишлари олиб боришмоқда. Белгиланган режа асосида истеъмол учун эскирган лампалар ҳар жиҳатдан қулай янги турдаги алмаштирилди. Натижада йилдан-йилга ортиқча харажатнинг олдини олишга эришилмоқда.

Туман марказидаги "Сарой-1" маҳалласида аксарият хонадонлар чўғланма лампалардан алмакочон фойдаланмайдилар. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчилар бу борада ташаббускор бўлиди. Бу қарорларнинг ҳам сезиларли равишда камайтиришга олиб келмоқда.

Истеъмолчи Турғуноя Омонова икки йил аввал мутахассисларнинг таклифи билан хонадонидан мавжуд 14 та лампочкаларни алмаштирди. Ўз-ўзидан истеъмол ҳам, харажат ҳам камайди. Энг асосийси, ҳадеб қуйган лампочкаларни алмаштириш муаммоси ҳам ечилди.

— Энергия тежайдиган лампалар кўзларни толиқтирмайди, ўзидан жуда кам миқдорда иссиқлик чиқаради, — дейди туман электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Алимардон Қимсанов. — 80 фоизгача электр энергияси тежалади. Яна бир афзаллик томони унинг экологик тозаллиги. Аҳоли хонадонларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам шулар ҳақида тарғиб қилаёмиз. Жорий йил биринчи ярминичи ўзида 26 минг нуктада чўғланма лампалар алмаштирилди.

Шуни айтиш керакки, республикамиз энергетика стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини ва мамлакат иқтисодий энергетика ресурслари билан тўлиқ ҳамда ишончли таъминлаш, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ҳисобланади.

Чўғланма лампалар бугунги кунда ёруғлик манбалари сифатида эскирган ҳисобланади, — дейди "Олтинқўл" тўқимачилик саховати" масъулияти чекланган жамияти энергетика бўлими раҳбари Хайдаров. — Биз янги турдаги лампаларни шартнома асосида ишончли ишлаб чиқарувчилардан оламиз. Сифати ҳам бизга маъқул. Чўғланма лампаларнинг фойдали иш коэффициенти 5 фоизи ташқил этади. Бу электр энергиясининг 95 фоизи иссиқликка ва атиги 5 фоизи ёритишга сарфланганини аниқлади. Қолаверса, энергия тежайдиган лампаларнинг ишлаш давомийлиги чўғланма-ларга нисбатан 10 баробар кўп, ёруғлик самарадорлиги ҳам 4-5 баробар юқори.

Ҳулоса қилиб айтганда, олтинқўлликлар электр энергиясини тежаш мақсадида тежамкор лампа ва техникалардан кенг фойдаланмоқдалар.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
"Adolat" мухбири

## Эл саломатлиги йўлида

### ➤ 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий ташкилотлари, партия фаоллари томонидан жойларда тарғибот тадбирлари олиб боришмоқда.

Партияимизнинг "Буюк ва муқаддас, хур Ўзбекистон" лойиҳаси доирасида Олтинқўл тумани "Янги қурилиш" маҳалласидаги қишлоқ врачлик пунктида ўтказилган тадбир "Тинч ва фаровон юртининг фарзандлари соғлом ва қудратли бўлур" мавзусида ташкил этилди.

— Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга, соҳанинг моддий-техник базасини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб, мамлакатимизнинг эл саломатлиги йўлида олиб бораётган ишлари дунё жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Олтинқўл туман кенгаши раиси Шавкат Шукуров.

Жумладан, мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхон воҳасида сўнгги йилларда вилоят соғлиқни сақлаш тизимига қарашли тиббиёт муассасаларининг янги замонавий бинолари қад ростлаб, жаҳон андозаларига мос жиҳозланаётганлиги фикримиз ифодадир. Аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқларда истеъмол қилишни назарда тутса, эл соғлигини асраш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишда малакали тиббий хизмат кўрсатаётган ҚВПлар нақадар муҳим ўрин тутаётганини теран англаймиз.

Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктида яратилган шароитлар, ходимларнинг профессионал маҳорати, замонавий тиббий ускуналardan фойдаланиш қўлқумларига эътибор қаратган партия фаоллари мазкур ҚВПда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

**Мақсуд Тўраев,**  
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

# "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### ➤ ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан қатор тадбирлар ва акциялар ўтказиб келинмоқда. Партияимизнинг "Ватан келажак ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида жорий йилда бўлиб ўтган иншолар танлови ҳам ана шулар жумласидандир.

## Юрт меҳрининг самимий ифодаси



Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари фаол иштирок этган бу тадбирда ёшлар Ватанга, халқимизга меҳру садоқатини ифодалаб, мустақиллигимизнинг қадр-қиммати ҳақида, истиқлол туфули мамлакатимиз эришган улуғвор ва оламшумул ютуқлардан олган таассуротлари, ўз орзу-мақсадларини баён этдилар.

— Иншолар танлови уюшқоқлик билан ўтди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев тадбирнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбирида. — Иштирокчилар сони биз кутганимиздан ҳам кўп бўлди. Буни ёшларнинг ижтимоий-сийёсий онги тобора юксалиб, теварак-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганлиги билан изоҳлашни истардик. Уларнинг мустақил фикр эгаси бўлиб, ҳар бир мавзунини ёритишда ўз сўзини айтишга интилиши ёзган иншоларида яққол акс этди.

Танловнинг вилоят босқичи ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
"Adolat" мухбири

### ➤ ДАВРА СУҲБАТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қораўзақ туман кенгаши фаоллари томонидан жойларда бир қатор тадбирлар ташкил этилапти.

Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Мустақил юрт фарзандларимиз, келажак бизники, марра бизники" мавзусида ўтказилган давра суҳбатиде ёш спортчилар, мураббий устозлар ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Қораўзақ туман партия кенгаши раиси Азамат Гулимбетов таъкидлаб ўтганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда маънан ва жисмонан соғлом авлоднинг тарбиялаш масаласининг давлат сийёсати даражасига кўтарилши бугун ўз самарасини

бераётир. Замонавий шартшароитларга эга спорт даргоҳларида фарзандларимиз спортнинг барча турлари бўйича устоз-мураббийлардан сабоқ олишмоқда. Улар юксак маънавияти, билим ва маҳоратлари билан бугун жаҳон ареналарида давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ўзбекистонлик ёшлар нималарга қодирлигини намоён этмоқда.

Мазкур спорт мактабида 13 та спорт тури бўйича секциялар фаолият олиб бормоқда. Ўқувчиларнинг турли мусобақаларда эришиб келаётган ютуқлари ҳам талайгина. Жумладан, жорий йилда "Ўзбек жанг санъати" бўйича 8-13 ёшли болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Шахсанем Султанмуратова ва Дилфуза Қалибекова I, II ўринларни эгаллашга муваффақ

## Келажак бизники, марра бизники

бўлган бўлса, миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида Мехрибон Қидирбаева 48 килограмм вази тоифасида III ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, "Ўзбек жанг санъати" бўйича Самарканд вилоятида ўтказилган республика очик биринчилигида И.Жалғасбаев, И.Тлеубергенов ва К.Сағатдиновлар совринли I ўринни қўлга киритди. Шунингдек, И.Жалғасбаев Осий чемпионатида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

— Биз, устоз-мураббийлар яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда келажак эгаларининг соғлом ва баркамол авлод бўлиб воғна етишлари учун хисса қўшиб келаётганлигимиздан фахрланамиз, — дейди мураббий Б.Смайлов. — Ушбу даргоҳда фаоли-

ят кўрсатаётган мураббийлардан 15 нафари Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳисобланади. Партияимизнинг "Ватан келажак ёшлар қўлида", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" каби қатор лойиҳалари доирасида ўтказиб келинаётган тадбирларда ҳам иштирокчиларимиз билан иштирок этмоқдамиз.

Давра суҳбатиде соғлом авлод тарбиясида партия фаолларининг иштирокини янада кенгайтириш, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамиятини кенг тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

## ЭЗГУ АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

### ➤ САХОВАТ — БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

Меҳр-муруватли, саховатли бўлиш, ёрдамга эҳтиёжманд кишиларга қўмаклашиш азалий қадриятларимиздан саналади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан "Тўқимачи" маҳалла фуқаролар йиғини ва "Тўқимачи" дехон бозори маъмурияти ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Партияимизнинг "Саховат — беназир қадрият" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда "Тўқимачи" маҳалласида истиқомат қилаётган 7 нафар кам таъминланган оила фарзандлари-

нинг суннат тўйлари ўтказилди.

— Маҳалламизда "Адолат" партияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирдан барча хурсанд, — дейди маҳалла раиси Нуралило Исмаилов. — Болажонлар қўзғалди қувончдан биз ҳам шод ва мамнунмиз. Бу каби саъй-ҳаракатлар ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги, эзгу қадриятларимиз бардавом эканини яққол ифодалайди. Маҳалламизнинг обод ва фаровонлиги учун барчамиз масъул эканмиз, бу масқанда униб-ўсаётган болажонларнинг бугунги ва эртаси учун ҳам масъулиятни чуқур англаймиз. Шу мақсадда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораёямиз.

Тадбир давомида ёш спортчиларнинг чиқишлари, қўли гул ўйна-қизлар томонидан яратилган ижод намуналари кўргазмаси ҳам йирилганларда илиқ таассурот уйғотди. Бухоро давлат Кўнрақ театри жамоасининг "Бахтиёр болаларимиз" ва "Келин, ўйнаймиз" мавзуларидаги сахна кўринишлари, болажонлар ижросидаги она Ватанини, истиқлолни мадҳ этувчи шеър ва куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача ғайз бахш этди.


Хайрия тадбирида тўй болаларга қимматбаҳо эсдалик совғалари берилди.

**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,**  
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

# Жаҳонни лол этмоқда ЎЗБЕК СПОРТИ

Рио-де-Жанейрода ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия мусобақаларида Ватан шаъни, обрў-эътибори учун курашаётган спортчиларимиздан ҳар куни хушxabарлар келмоқда. Ўзбекистон вакиллари Рио майдонларида ўзларининг маҳоратларини намойиш этиб, жаҳон спорт жамоатчилигининг нигоҳини ўзларига қаратди. Бу мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор ва гамхўрликнинг ёрқин самараси, албатта.

Эътибор берган бўлсангиз, олимпиадада иштирок этаётган спортчиларимизнинг 90 фоизи мустақиллик йилларида таваллуд топган. Ана шу даврда вояга етган авлод катта кучга,



дунёни титратадиган салоҳиятга етди. Бу ўзбекистонликлар дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир амалий исботидир.

17 августга қадар Олимпиада мусобақаларида спортчиларимиз томонидан қўлга киритилган медаллар сони 7 тага етди. Шундан 2 таси олтин, 1 та кумуш, 4 таси эса бронза медаллардир.

Олтин медаллардан бири боксчи Хасанбой Дўстматов томонидан қўлга киритилган

бўлса, иккинчи олтин медалга оғир атлетикачи Руслан Нурудинов сазовор бўлди.

Риода халқимизга олам-олам қувонч ўлашаётган боксчиларимизнинг мардонор кураши барчамизни хушнуд этаётгани рост. Олимпиадада бокс бўйича терма жамоамизнинг 7 нафар вакили тўрт йилликнинг йирик анжумани совриндорлари сафидан жой олиши оддий гап эмас. Бу ўзбек бокс мактабининг улкан ғалабасидир.


Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтарганимдан жуда ҳам бахтиёрман, — дейди Хасанбой Дўстматов оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида. — Бу бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Президентимизнинг биз, ёшларга қарата айтган маррани доимо юқори олинг, зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимга абадий муҳрланган. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни барчамиз учун энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақилликнинг 25 йиллигига бағишлайман.

Рио-де-Жанейро шаҳрида боксчиларимизнинг омадли юришлари давом этмоқда. 69 килограммгача бўлган чарм

қўлқоп усталари ўртасидаги мусобақада Ватанимиз шарафини химоя қилган Шаҳрам Ғиёсов кумуш медалга сазовор бўлди.


91 килограмм вазили боксчилар баҳсида Ватанимиз шарафини химоя қилган Рустам Тўлаганов Олимпиада шохсупасининг учинчи поғонасига кўтарилиб, мамлакатимиз ҳисобига бронза медали тақдим қилди.

Бизни хурсанд қилаётгани яна 4 нафар боксчимиз медаллар учун курашни давом эттираётганидир. Бугун Фазлиддин



Ғойибназаров (64 кг) ҳамда 52 килограммгача бўлган вазида Шаҳобиддин Зоиров финал йўлланмалари учун рақиблари билан куч синашди.

Олис Риодан спорт муҳлислари ва халқимизга иккинчи олтин медални тақдим этган яна бир андижонлик йигит — Руслан Нурудинов бўлди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда оғир атлетика тезлик билан тараккий топтомоқда. Буни жаҳон ва қитъа чемпионатларида, халқаро турнирларда атлетларимиз томонидан қайд этилаётган юқори натижалардан ҳам биласан бўлади. Ўз навбатида, юртимизда спортнинг мазкур турини янада ривож-



лантириш борасида қатор чораталбирлар амалга оширилди. Натижада оғир атлетика спорт бўйича Ўзбекистон вакиллари жаҳонда кучлилар сафида эгирроф этилмоқда.

Руслан XXXI ёзги Олимпия ўйинларида билдирилган ишонччи тўла оқлади. У 105 килограммгача оғирликдаги полвонлар баҳсида барча рақибларини орта қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Кескин ўтган кураш натижаларига кўра ўзбек ўғлини даст кўтаришда 194 килограммни, силтаб

кўтариш баҳсларида 237 килограмм тошни кўтариб, 2008 йилда ўрнатилган Олимпия ўйинлари рекордини ҳам янгиллади.

Юнон-рум курашида Ўзбекистон номини химоя қилган Элмурод Тасмуродов ҳам юртимизга ёруғ юз билан қайтган бўлди. У 75 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида бронза медалини қўлга киритди. Дзюдо усталаридан Ришод Собиров ва Диёрбек Ўрзобоевлар ҳисобида ҳам бронза медаллари бор.

Вакилларимиз қолган спорт турларида ҳам медаллар учун курашни давом эттирмоқда. Айниқса, таэквондочларимиздан кўпчилик ғалаба кутмоқда.

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

Ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) ярим финалда кубалик Робейси Рамирес билан бўлиб ўтган муросасиз жангда очколар бўйича имкониятни бой берган бўлсада, Олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритди.

Яна бир иқтидорли боксчимиз Бектемир Меликүзиев (75 кг) мексикалик Узиел Родригесни енгиб, финалга йўлланма олди.

Шунингдек, енгил атлетиканинг баландликка сакраш тури бўйича баҳсга киришган юртдошимиз Светлана Радзивил ҳам мусобақанинг финал босқичига чиқди.

Спортчиларимизга навбатдаги баҳсларда ҳам омад тилаб қоламиз.

Жобир РАЗЗОҚОВ,  
журналист  
Анвар ИЛҲОСОВ (Жаҳон АА) олган суратлар

## ГУРУР

Истиклол халқимизга Ватанда эркин яшаш бахтини берди. Обод ва озод юрtda, тинч-осойишталикда, бугунидан миннатдор, эртасидан кўнгли тўқ яшаш эса ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги орзу-истаги саналади.

# Энг улуғ неъмат

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиклол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воякега, кутлуғ анъанага айланаб қолди. Хар йили давлатимиз раҳбари томонидан махсус қарор қабул қилиниб, бу айёмга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонлашга алоҳида эътибор қаратилиши шундан далолатдир.

Дарҳақиқат, истиклолнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Мустақилликимизнинг йигирма беш йиллигига бағишланган байрам тантаналари янада шуқуҳли ва улуғвор руҳда ўтади, албатта. Президентимиз қароридан қайд этилганидек, биз бундан 25 йил олдин ўз мустақилликимизни қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган,

миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” сифатида тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётини эканлини тасдиқлаб бермоқда.

Юртимизнинг илгаринг қолок, иқтисодиёти бирёклама ривожланган, пахта яккахокимлиги халокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда ички тараққиёт этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланаётгани, хусусан, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибидан тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намён бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон боши-

га тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг амалий самарасидир.


Ўзбекистон, шу муқаддас замида яшаётган юртдошларимиз эришаётган оламшумул ютуқлар ҳақида мароқ билан сўзлаш киши кўнглини осмон қадар юксалтиради, фахрифтхор хисларига лим-лим тўлдирди, юрагида эртанги кунга, буюк келажакка ишончини мустаҳкамлайди. Айни пайтда бу гурур замирида ана шу озод ва обод Ватанимиз кўз қорачиқдай асраш, эришилган ютуқларни янада кўпайтириш масъулияти ётади. Бу масъулият эса хар биримизни ҳаётда сергакликка, меҳнатда фидойиликка ундайди. Дилга эзгу максадларни жо қилиб, улкан бунёдкорлик ишларига елкадош бўлишимиз келади. Ахир инсон учун мустақил Ватанда яшаш, унинг буюк келажакга йўлида хизмат қилишдан улуғроқ саодат борми!

Барно КАМАЛОВА,  
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 3-сонли ДНИ катта нотариуси

# ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШ амалга ошди

## ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

“Тупроққалъа” қишлоғида халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашига “Адолат” СДПдан сайланган депутат Баҳодир Бобоҷонов сайловчилар билан учрашди. Унда “Хива”, “Хонқар”, “Гурлан” маҳаллаларида истиқомат қилаётган фуқаролар, ўқитувчилар ва ёшлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.



Депутат Б.Бобоҷонов истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислохотларнинг самараси ҳақида сўз юритар экан, жумладан, Ҳоразм вилоятидаги янгиланишлар, соҳалар тараққиётига доир аниқ мисолларни келтириб ўтди. Сайловчилар ҳам Ҳазорасп туманида барпо этилган янги саноат корхоналари хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир давомида депутат сайловчилар билан аввалги учрашувларда тилга олинган масалалар юзасидан қилинган ишлар хусусида батафсил тўхталиб, фуқароларни ўйлантириб келётган муаммолар масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ечим топа-

нини таъкидлади. Жумладан, ҳошадонлардаги томоркаларни суғоришда сув насосларининг таъмирталаблиги боис юзага келган муаммо бўйича Урганч насос станциялар бошқармаси бошлиғи номига киритилган депутатлик сўрови ижобий ечим топди, сув насослари таъмирланиб, муаммо бартароф қилинди. Яна бир хайрли ишнинг амалга оширилгани кишлоқ ахлини хушнуд этди. Яъни депутатнинг сайёҳаракати билан хомийлар ёрдамида “Тупроққалъа” кишлоқ фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирланди.

Учрашувда ҳудуддаги яна баъзи муаммо ва камчиликлар ўртага ташланиб, фуқаролар ўз тақлифларини баён қилишди. Хусусан, сайловчилар “Тупроққалъа” қишлоғида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, кишлоқдаги бир қатор ички

йўллари таъмирлаш зарурлиги ҳақида қайд этишди. Депутат мазкур масалаларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қонуний тартибда ўрганишини айтди.

Кишлоқ фаолларининг таъкидлашича, хомийларни жалб қилган ҳолда, “Тупроққалъа” қишлоғида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, яққа-ёғиз кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатишни ҳам депутат назардан четда қолдирмаяпти.

Иномжон МАДРИМОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Ҳоразм вилоят кенгаши бош мутахассиси

# Хукуқий маслаҳат

— Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни ва унга кўра, Фуқаролик кодексига киритилган уй-жойни текин фойдаланишига бериш шартномасининг шакли ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Г.Носирова, Тошкент вилояти

— Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни ўз моҳиятига кўра, энг аввало, халқимиз ва мамлакатимиз фаровонлиги, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур қонун 26 моддадан иборат бўлиб, унга кўра, 24 та қонунга, жумладан, 7 та кодекс, 17 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2016 йил 25 апрелдаги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси «уй-жойни текин фойдаланишига бериш шартномасининг шакли» деб номланган 626-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, уй-жойни текин фойдаланишига бериш шартномаси эъза шаклда тузилади, бундан уй-жойни яқин қариндошларга (ота-она, тушган ва ўғай ака-ука ва она сиғиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар) текин фойдаланишига бериш ҳоллари мустасно. Шартномада уй-жойдан текин фойдаланишига олзуғи билан бирга доимий ашайдиган фуқаролар кўрсатилиши шарт. Шунингдек, идиликда текин фойдаланишига бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқлашиши шартлиги белгиланди.

Уй-жойдан текин фойдаланувчи текин фойдаланишига берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуриш ва тузилишини ўзгартириши ҳақида эмас.

Саволга Тошкент вилояти Янгийўл туман ДНИ нотариуси Гулбаҳор ФАКИРОВА жавоб берди.

— Фуқаронинг ва вояга етмаган шахснинг тирик эканлигини тасдиқлаш қандай тартибда амалга оширилади?

А.Бердиев, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри

— Фуқаронинг шахсий илтимосига кўра нотариус тирик эканлиги фактини унинг иштирокида тасдиқлайди. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг эъза аризаси олинади.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олинганлар, васийлар, хомийлар), шунингдек, уни ўз ҳомийлигига олган ташкилотнинг эъза илтимосига кўра амалга оширилади. Нотариус мурожаат қилган шахсга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

— Фуқаролик паспортига суратга тушган пайтда бироз озгирок эдим. Вақт ўтиб, вазнимга вазн қўшилди. Яқинда бир ташкилотга борганимда, паспортимдаги фотосуратда ўзим акс эттирилганидан шубҳаланишди. Эшитишимча, фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш амалиёти ҳам мавжуд экан. Бу қандай тартибда амалга оширилади?

Д.Эргашев, Жиззах вилояти, Зомин тумани

— Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди ва унинг тасдиқи сифатида гувоҳнома беради. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг эъза аризаси олинади. Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чип бурчагига қўйилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Бунда муҳр қисман фотосурат устига, қисман эса гувоҳнома устига қўйилиши керак.

Саволларга Самарқанд шаҳар 5-сон ДНИ нотариуси Алишер ЭШИМОВ жавоб берди.

# Психологик ёрдам бериш ва тарбиялаш йўлида

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ҳоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ҳузуридидаги кўриқлаш бошқармалари ва бўлимлари психолог ҳамда тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашда хизмат қилаётган кўриқлаш хизмати кўрсатувчилари ҳар томонлама етуқ, жисмонан бақувват, руҳан тетик, иродали ва қатъиятли бўлишларида психолог ва тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимларнинг хизмати катта эканлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Семинар якунида бир гуруҳ психолог ва тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимларга фахрий ёрликлар топширилди.

Элмурод КУЗИЕВ,  
катта лейтенант

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши жамоаси Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Азизжон Ишанхановга падари бузуқувори Алҳон ИШАНХАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Истиқлол йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида яратилган ҳуқуқий асослар билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган молия муассасалари томонидан кичик бизнес ривожига учун ажратилаётган сармоялар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бундан 25 йил муқаддам, яъни Ўзбекистон эъдиғина мустақилликни кўлга киритган пайтларда республикамиз Хукумати ва Марказий банк олдида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани муомалага киритиш, шу орқали мустақил пул ва сифат жиҳатида янги банк тизимини яратишдек ўта масъулиятли вазифалар турар эди. Уларни ҳал этиш, ўз навбатида, улкан билим, етук салоҳият ва жасоратни талаб қиларди.

Мана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида бошланган иқтисодий ислохотлар ўз самарасини берди. Эъдиғида банклар ўртасида соғлом рақобат шаклланиб, уларнинг миқозлар билан ишлаш тажрибаси юксак даражада кенгаймоқда. Молия-банк тизимини ривожлантириш ва ислох этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар иқтисодиётимизни тараққий эттириш билан бирга, юртдошларимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, турмуш шароитини тубдан яхшилашга хизмат қилаётгани билан фойда аҳамиятлидир. Буни мамлакатимизда кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани, тадбиркорлик фаолияти хар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам тижорат банклари фаол иштирок этмоқда. Яъни юртимиз молия муассасаларида касб-хунарни эгаллаб, ҳаётга эъдиғина қадам қўяётган навқирон авлод вакиллари тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларни имтиёзли кредит маблавлари билан таъминлаш орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бунда, айниқса, ёш тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланган "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Очиғи, истиқлолга қадар асосан тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган махсус молия муассасаси ташкил этиш ҳеч кимнинг тасаввурига сиймасди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Микрокредитбанк" айнан мазкур соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга муносиб улуш кўшмоқда. Қолаверса, молия муассасаси томонидан таклиф этилаётган кредитлар бошқа молия муассасаларидагига нисбатан энг паст фоизлиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай қулай шартли ва имтиёзли кредит маблавлари тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сафи кенгайишида айни муддао бўлапти.

Бинобарин, ўтган вақт ичида банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг юксалиши, хотин-қизлар, шу жумладан, тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган йирик молия муассасаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда банкнинг 85 та филиал, 142 та минибанки орқали 200 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлари ва жисмоний шахсларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Банк ўз фаолиятини бошлаган кунларданок Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хуна таълим маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш мақсадида таъбиқ этиб келмоқда. Сабаби, хар қандай касб-хунага ёшлардан меҳр қўйиб, унинг сир-асрорларини пухта ўрганилсагина соҳанинг чинакам билимдонига айланиши мумкин.

Шу маънода, "Микрокредитбанк" тадбиркорлик соҳасига билим-маҳорати, куч-гайратини астойдил сафарбар этишни ихтиёр қилган ёшлар билан ишлашнинг ўзининг муҳим вазифаси, деб билади. Бу йўналишда "Қамолот" ЕИХ билан амалга оширилаётган "Ёш тадбиркор — юртта мадақдор" лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-хуна коллежлари ва академик лицей битирувчиларини бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўник-

маларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи "Менинг бизнес гоям" танлови ташкил қилинган ўз самарасини бермоқда.

Олий ўқув юртлири битирувчиларнинг тадбиркорликка қизиқишини кучайтириш мақсадида Марказий банк билан ҳамкор-

# "МИКРОКРЕДИТБАНК" САРМОЯЛАРИ — КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА КЎМАК

ликдаги "Диплом билан — бизнесга" ўқув-семинари туфайли ҳам бугун кўпгина йирик-қизларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиб олишмоқда.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами учун, айниқса, касб-хуна коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш мақсадида семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Ушбу мақсадлар учун банк томонидан

да ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам "Микрокредитбанк"нинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, оила эҳтиёжларига зарур жиҳозлар хариди учун имтиёзли истеъмол, ипотека ва микрокредитлар ажратилиши алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида банк томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 1246 та ёш оилга 29,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, банк томонидан 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш мақсадида 434,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш юзасидан дастур ишлаб чиқилди.

Маблағлар ўзлаштирилишида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш ва сервис, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш каби лойиҳаларини молиялаштиришга қаратишмоқда. 2016 йилнинг 6 ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 223,6 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунингдек, кредит ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга ҳам банк томонидан молиявий ёрдам кўрсатишмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсади учун 83,1 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, "Микрокредитбанк" АТБ нафақат кичик бизнесни, балки иқтисодиётнинг реал секторидидаги йирик лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун ҳам сармояларини йўнал-

ватларини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастурларга киритилган 53 та лойиҳага 6,1 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Дастурларга киритилган бошқа лойиҳалар белгиланган муддатларда молиялаштирилиши бўйича банк томонидан доимий ишлар олиб борилмоқда ҳамда лойиҳаларга ўз вақтида кредит ажратиш бўйича барча зарурий чоралар қўрилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодий ночор корхоналар молиявий соғломлаштирилиб, фаолияти қайта йўлга қўйилмоқда ва қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Қолаверса, банк томонидан мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, кишлоқ жойларда кўмаклашнинг мақсадида ҳисобот даврида 3,5 миллиард сўм миқдорда бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тадбиркорлик субъектларига Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 78,4 миллиард сўм, "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида эса 66,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда банк-молия соҳаси, хусусан, бевосита тижорат банкларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида "Микрокредитбанк" АТБ молиявий хизматлар бозорига ўзининг ишончли ўрнини эгаллади.

Сўнги йилларда банкнинг иш самардорлигини яхшилаш, барқарорлигини ошириш ҳамда ресурс манбаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2013 йилдаги "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкнинг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги



тириб келмоқда. Хусусан, республика ҳудудларидаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектилар неғизда ишлаб чиқаришларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича 2016 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш Дастури ижроси юзасидан республикадаги иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолиятсиз корхоналарни тижорат банклари кўмагида молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш қув-

қарори амалиётга таъбиқ этилиши банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари янада яхшиланишига муҳим омил бўлди.

Мазкур ижобий ўзгаришлар банк фаолиятининг нуфузли халқаро молиявий институтлар, хусусан, "FITC RATINGS" рейтинг агентлиги томонидан ижобий баҳолинишида ўз ифодасини топди. Бугунги кунда ушбу ташкилот "Микрокредитбанк" фаолиятини ишончли равишда "Барқарор", деб баҳоламоқда.

## МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Акмал КАРИМОВ, Хатирчи туманидаги "Зарифшон зиё" хусусий корхонаси раҳбари:

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибордан фойдаланиб, биз шифобаҳи булоқ сувини бежирим идишларга қадоқлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун аввало "Микрокредитбанк"нинг Хатирчи филиалидан олинган 150 миллион сўм кредит маблағи эъзизга замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, соатида 1 минг 500 донга елим идиш тайёрлаш имкониятига эга бўлди. Айни пайтда 10 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонамизда кунига 5 минг елим идишда табиий тоғ суви қадоқланмоқда.

Технология жараёнларида сув 5 турдаги замонавий филтёрда тозалангач, қадоқлашга узатилади. Тоғ булоқларидан олинган сув минералларга бойлиги билан инсон организми учун гоят фойдали. Шу боис шифобаҳи булоқ сувини газли таркибда ҳамда йирик ҳажмли идишларда қадоқлашни ҳам режалаштиряпмиз. Бу яна бешта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Ҳилола ИСМОИЛОВА, Оқолтин маънавий қўрсатиш касб-хуна коллежи битирувчиси:

— Ёшлиқ инсон умрининг энг шижоатли, орзу-умидларга тўла палласи ҳисобланади. Бу даврда олинган билим, эгалланган касб-хуна гўёки тошга ўйилган нақидек мустаҳкам бўлади.

Тенгдошларимнинг кўпчилиги юртимизда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга интилади. Бу жуда қувонarli, албатта.

Мен ҳам коллежда касб-хуна сирларини пухта ўрганиш баробарида, келажакда "Гўзаллик салони" очиб, она-сингил ва дугоналарим ҳуснига-ҳусн қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдим. Интилганга толе қулиб боқар экан. Тартибкорлик борасидаги бизнес лойиҳам истиқболли, деб топилди, "Микрокредитбанк" томонидан имтиёзли кредит ажратилди. Айни пайтда тадбиркор сифатида маҳалламиздаги ўзим ташкил этган "Гўзаллик салони"да тенгдошларим билан фаолият олиб бораёпмиз. "Микрокредитбанк" кўмагида орзуим рўёбга чиқаётганидан мамнунман.

Азизбек АХМАДЖОНОВ, Шахрихон туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласида истиқомат қилувчи ёш тадбиркор:

— Бир неча йилдан буён қулолчилик устaxonаси ташкил этиш юзасини йўлаб юрдим. Албатта, бунинг учун, аввало, бошланғич сармоя бўлиши керак. Бизнес лойиҳа асосида мақсадимга ойдинлик киритиб, "Микрокредитбанк"нинг туман филиалига мурожаат этдим. Лойиҳам ўрганиб чиқилиб, кредит ажратилди. Банк кўмаги билан қулолчилик устaxonаси очига эришдим. Айни пайтда устaxonамизда тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар кўпаймоқда. Хунаримни тенгдошларимга ҳам ўратаман.

Севара АХМЕДОВА, Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон зиё» хусусий корхонаси раҳбари:

— Замонавий технологиялар асосида катталар ва болалар учун мавсумий пайпоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки молиявий кўмагида ташкил этилганини айтиб ўтишим жоиз.

Ҳозир корхонамизда ўнга яқин йиғит-қиз доимий иш билан таъминланган, ойига 40-45 минг жуфт сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш орқали иш ўринларини янада кўпайтиришни мўлжаллаётимиз. Бунинг учун яна "Микрокредитбанк" кўмагида таянмиз.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, "Микрокредитбанк"нинг кичик сармоялари ишбилармон ва тадбиркор фуқароларнинг катта орзу-мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз барқарорлиги, элу юртимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги интилишларга кенг йул очмоқда.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Зарифшон ҚАЛАНДАРОВА, тайёрлади.

## Qishloq Qurilish Bank

Барча юрtdошларимизни мамлакатимиз  
**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИК**

байрами билан чин дилдан табриклаймиз.

Сизларга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Ватанимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб Сизларга янги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

**«МУСТАҚИЛ ЮРТИМ»** —  
омонатга маблағлар  
3 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда  
ёки омонат муддати тугагандан сўнг  
тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

**«КОМФОРТ»** —  
омонатга маблағлар  
1 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларда  
қабул қилинади,  
фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг  
тўлаб берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайтган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

**«МАДАД»** —

маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- » солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- » микдори чекланмаган.

Мурожаат учун  
телефонлар:  
(+99871)  
150-72-58,  
150-39-93,  
[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

**Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юрtdошлар!**

«Агробанк» АТБ жамоаси Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан самимий қутлайди. Ватанимиз ҳамisha тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида «Истиқлол – 25» номли омонат турини таклиф этади.

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)  
тел. (+99871) 203 88 88

**AGROBANK**  
Хизматлар лицензияланган

## «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси жамоаси

**барча юрtdошларимизни  
жонажон Ватанимиз  
Мустақиллигининг  
25 йиллик байрами билан  
муборакбод этади.**

**Ушбу айём ҳар бир  
хонадонга тинчлик-  
тотувлик, файзу барака,  
тўкин-сочинлик олиб келсин.  
Осмонимиз мусаффо,  
Истиқлолимиз абадий бўлсин!**

**Ижтимоий дорихоналар тармоғи —  
Бизга ишонч билдирар ёшу қари!**



Хизматлар лицензияланган

## Истиклол нуридан мунаввар диёр

### ➤ ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ватан муқаддас макон. У ҳар биримизнинг қонимиз, юрагимиз, онгимиздан жой олган. Халқимизда Ватан остонадан бошланади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, ўзи туғилиб-ўсган, болалиги ўтган жойлар инсон қалбида Ватан туйғуси шаклланишида ёрдам беради. Ватан туйғуси юрагида жўш урган инсон борки, ўз хонадонни, маҳалласи, қишлоғи билан фахрланиб яшайди.

Ватанпарвар инсон бошқача яшай олмайдди. Ҳар бир инсон нафақат ота-онасининг, балки ўз Ватанининг ҳам фарзандидир. Ота-она фарзанди учун қўлидан келган ҳамма шароитни яратиб беради. Чунки ота-она фарзандининг бахтини истайди. Ватан ҳам худди ота-онадай фарзандларининг тинчлиги, хотиржамлиги, бахти, орзу-интилишлари учун тинмай ҳаракатда бўлади.

Биз, ёшлар ана шундай муқаддас Ватан — Ўзбекистоннинг келажакимиз, таянчимиз. Ватанинг ишончини оқлаш, унинг истиқболлини порлоқ қилиш ҳаётимизнинг бурчимиздир. Бунинг учун биздан ўқиш ва ишлаш талаб қилинади.

Давлатимиз бизларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишимиз учун барча шароитни яратиб берган. Замонавий билимга эга, баркамол ва шижоатли ёшларга катта ишонч билдирилмоқда. Биз ёшлар бунга жавобан халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз, Ўзбекистонимиз дунёни дунёга таратишимиз керак.

Миллий ифтихор туйғуси бўлган одамгина ўз халқини севади, Ватанини қадрлайди. Ахир ҳур ва озод Ватан учун садокат билан сидқидилдан хизмат қилиш нақадар фахрли.

Сени сўйиб, бахт топдим, Ватан! Ҳар қарич тупроғинг кўзларимга тўти! Бор таъзим ва эҳтиромимиз сенга бўлсин. Бу таъзимимиз шукронамиз, бизга ато этган инъомларинг учун миннатдорчилигимиз ифодасидир. Нафақат жаннат-

монанд боғу муаззам тоғларингни, оби-хаётга тўла ирмоқларингни, ҳар бир унган гиёҳларингни эъозлаб қадрлаймиз, балки ҳар қарич еринг учун жон тикшига тайёримиз.

Яратганинг назари тушган бу она заминимизга офтоб ҳам ўзгача меҳр билан нур сочади. Балким ана шу нур халқимизнинг қалбидан ҳам жой олиб, уни шу қадар меҳрли, саховатли, бағрикенг бўлишга ундар!

Ўзбек халқи ўз қудратига ишонади ва дунёни тараққиётга етаклаган буюк фарзандлари билан, улуғ ўтмиши билан фахрланади. Шунингдек, ўзининг камситилишига ҳам асло йўл қўймайди, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қила олади.

Бундан 25 йил аввал Ўзбекистон тупроғига экилган Озодлик уруғи дадил униб, буй чўзиб, мева бера бошлади. Мустақил Ўзбекистон бутунги кунда тобора яшнамоқда. Бу фақатгина бошланиши, ҳали келажакда Ватанимиз ўз тараққиёти билан дунёни бундан-да хайратда қолдиради.

Мен сен билан фахрланаман, эй азиз Ватан! Сен менинг кўзим қаровидасан! Шу биргина жумлада қанча маъно бор. Инсон кўзининг нуруни, қорачини қандай асраса, Ватанини ҳам шундай асрамоғи зарур.

Гулноза МАРАТОВА,  
Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

### «МУСТАҚИЛЛИК — 25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгиизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	120-84-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

www.asakabank.uz  
Хизматлар лицензияланган

ИПОТЕКА БАНК

## Ипотека банк жамоаси

ватандошларимизни энг азиз байрам — Истиклолимизнинг қутлуғ 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади.



Хизматлар лицензияланган




## ХАЛҚ БАНКИ

ХАЛҚ БАНКИ  
жамоаси халқимизни  
мустақиллигимизнинг  
25 йиллиги билан  
самимий табриклайди!

Халқ банки юртдошларимизга қуйидаги истеъмол кредитларини тақдим этади:

- \* мебель, электр маиший техника, компьютер, ошхона жиҳозлари;
- \* уй-рўзғор товарлари;
- \* автотранспорт воситаларига метан газ мосламаларини ўрнатиш ва бошқалар...



Xalq banki — doim siz bilan birga!

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Таҳрир хайъати:

Наримон УМАРОВ

Муҳаммад АЛИ

Гавҳар АЛИМОВА

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Галаят МУРОДОВ

Абдуқамол РАҲМОНОВ

Собир ТУРСУНОВ

Алишер ШОДМОНОВ

Шўҳрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев

Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgz.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз битчиси А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 6540. Босишга топшириш вақти — 20.45. Босишга топширилади — 00.45.

Баҳоуси келишилган нарҳда



ISSN 2071-6257

72001521004

1 2 3 4 5 9